



# Ishonch

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб воғга етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча турар-жойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион ва сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, уларни жонқуяр ва малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу мақсадга яқин йилларда, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

## «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига

Қадрли фарзандларим!  
Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!  
Авалламбор, сиз азизларни, саховатли Сирдарё заминидан, тобора қад ростлаб, чирой очиб бораётган Гулистон шаҳрида жам бўлган барча ўғил-қизларимизни бугунги қувончли воқеа — «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборақбад этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларимизнинг қуч-қуввати ва қобилиятини, салоҳиятини ва маҳоратини намойён этадиган, иродасини тоблайдиган бу мусобақаларнинг мард ва матонатли инсонлар юрти бўлмиш Мирзачўл воҳасида ўтаётгани алоҳида раъмий маънога эга.

Бир пайтлар қуш учса — қаноти, одам юрса — оёғи қуядиган чўли биёбон бўлган, ота-боболаримизнинг фидокорона меҳнати ва қатъияти ҳисобидан обод ва файзли заминга айланган бу маскан бугун сизларни ўз бағрига қабул қилмоқда ва эъзозламоқда.

Азиз болаларим!  
Бу дунёда, қайси соҳада бўлмасин, бирон-бир ютуқ ва натижа ўз-ўзидан келмаслигини, ўйлайманки, барчангиз яхши англайсиз. Жумладан, спорт оламида ҳам юксак марраларни эгаллаш, ўз муродига етиш учун аввало мустаҳкам пойдевор, истеъдод ва интилиш, энг муҳими, кучли ирода, тинимсиз меҳнат ва шижоат кераклиги ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай олижаноб, барчангизга ярашадиган хусусият ва аломатлар мавжуд бўлган ва ўзаро бирлашган жойда албатта муносиб ютуқ ва галабалар қўлга киритилади.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган, жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган саъй-ҳаракатлари натижасида, шу борада замонавий моддий-техник базани барпо этаётганимиз аввалламбор унб-ўсиб келаётган сиз, ёш авлодимиз учун, сизнинг ҳобиляти ва салоҳиятигинизни рўйбга чиқариш учун амалга оширилмоқда.

Кейинги беш йил мобайнида юртимизда Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 130 миллиард сумдан зиёд маблаг сарфланиб, 900 дан ортиқ спорт иншооти қуриб битказилгани ва юксак талаблар асосида жиҳозлангани бунга яққол мисол бўла олади.

Биз болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий бақувват, баркамол ва етук инсонлар бўлиб воғга етиши учун ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда, барча турар-жойларимизда замонавий талабларга жавоб берадиган спорт масканлари, стадион ва сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, уларни жонқуяр ва малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу мақсадга яқин йилларда, ҳеч шубҳасиз, албатта эришамиз.

«Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари қатори юртимизда шаклланиган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт оламига энди қадам қўётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпиолига қанот берадиган парвоз майдони, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишончман — бу мусобақаларда сиз, азиз болаларим билад руҳ билан, ёшлик шижоатингиз, бор куч ва маҳоратингизни намойён этасиз, эришган натижаларингиз билан ота-оналарингиз, устоз-мураббийлар, дўсту ёрларингизни қувонтирасиз ва орангиздан энг муносиблар юксак шохсупаларга кўтарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мухташам, замонавий спорт мажмуаларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, бу қурилишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бугун Сирдарё аҳлига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги ёшлик ва нафосат байрами билан яна бир бор қутлар эканман, адолат, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтадиган бу ётакор спорт мусобақалари ҳар бирингизнинг ҳаётингизда ёрқин ва ўчмас саҳифа бўлиб қолишини тилайман.

Барчангизга ўқишда ва шахсий ҳаётингизда доимо бахту омад ёр бўлсин, ўз муродингизга етиш, қадрли фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## Спорт, ёшлик ва нафосат байрами

Гулистон шаҳрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2009» республика спорт ўйинлари бошланди.

...Гулистон шаҳри оқшом оғушига чўмган бўлса-да, кўчалар ва хиёбонлар чарогон. Сержилно нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, энгил хилпиратган байроқлар шаҳарга байрамона руҳ бағишлаган. Мусобақалар арафасида бутунлай янгиликларга касб этган йигирма минг томошабинга мўлжалланган «Ёшлик» марказий стадиони меҳмонлар ва спорт ишқибозлари билан гавжум.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.

Стадион узра «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг чорлов садолари янгради. Майдонга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келди. Сирдарё вилояти ҳокими А.Жалолов мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларини очиб, деб эълон қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов ўқиб эшиттирди.

## Касаба уюшма ҳаёти

### Бугуннинг доғзарб вазифаси

кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида», маъруза қилди. ЎЗҚУФКнинг масъул ходимлари ўз йўналишлари бўйича Федерация томонидан амалга оширилаётган ишлар ва кўйи бўғинлар бу борада эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида гапирди.

Бундан ташқари, кишлоқ ҳўжалигида янги техника ва технологияларни қўллаш натижасида Бразилия шакарқамиш ва апельсин етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Жаҳонда етиштирилган қаҳванинг 35 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Машгулотларда «Касаба уюш-

## Ўзбекистон — Бразилия ҳамкорлиги ривожланмоқда

Бразилия, 28 май. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг тақдирга буюнган 27 май кунини расмий таширф билан ушбу мамлакатга келди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Бразилиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари шарафига замбарқарлардан 21 марта ўқ узилди. Ислом Каримов фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

28 май кунини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг музокаралари бўлиб ўтди.

Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон-Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофича фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Лотин Америкасининг ушбу етакчи мамлакат билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Луис Инасиу Лула да Силва Бразилия Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Бразилия ўз минтақасида муҳим ўрин тутадиган давлатлардир. Мамлакатимиз Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини илгари сурган. Бразилия — Меркосурнинг (Жанубий Америка умумий бозори) энг ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлати. Ўзбекистон — Марказий Осиёда ядро қуролдан ҳоли худуд барпо этилишининг ташаббускори. Бразилия Лотин Америкасида ядро қуроллини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилган. Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам БМТни ислоҳ қилиш, унинг халқаро муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ва аҳамиятини оширишни ёқлайди, «кўп қутбли дунё» тамойиллини қўллаб-қувватлайди. Терроризм, экстремизм, нарқобизнес, уюшган транснационал жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида икки мамлакат раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини ёқлаб, тақдир ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон турли йилларда БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаган. БМТда Ўзбекистонга оид масалалар муҳокамага қўйилганда эса Бразилия мамлакатимиз нуктаи назарини қўллаб-қувватлаб келган.

Иқтисодий соҳада ҳамкорликни деврли барча соҳаларда ривожлантириш учун яхши омиллар бор. Бразилия ҳам илгари аграр, хомашё экспорт қилувчи мамлакат бўлган. Ҳозирги кунда унинг экспортдан қаҳва, соя, шакар, апельсин, темир рудаси, пўлат ва шулар қаторида авиация техникаси, автотранспорт, электроника бўмлари, пойфазал, тўқимачилик маҳсулотлари жой олган. Ялли ички маҳсулот ҳажми (1,8 триллион АҚШ доллари) жиҳатидан Бразилия Лотин Америкасида биринчи ўринда туради. Саноатнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 40 фоизга яқин, кишлоқ ҳўжалигининг ҳиссаси эса 10 фоиздан ошмайди.

Бразилия ўтган асрнинг 90-йилларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, хусусий секторни ривожлантирди, қўлай сармоявий муҳит яратди, пул-кредит ва солиқ сийосатини қайта кўриб чиқди, кенг кўламли хусусийлаштириш жараёнини бошлади. Мамлакатда йўл-транспорт коммуникациялари ва шаҳарлар инфратузилмаси ҳам айни шу даврда кенг ривожланди.

Кейинги йилларда энергия манбаларига талаб ортгани туфайли Бразилия этанол ишлаб чиқариб, уни экспорт қила бошлади. Бу соҳадан келадиган даромад йилга ўртача 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, Бразилия нефть-газ ва нефть кимёси соҳаси баробарида мўқобил энергия манбалари ишлаб чиқаришда ҳам катта тажрибага эга.

Кишлоқ ҳўжалигида янги техника ва технологияларни қўллаш натижасида Бразилия шакарқамиш ва апельсин етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Жаҳонда етиштирилган қаҳванинг 35 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган ривожланиш йўли, ислохотларни амалга оширишда қандай соҳалар устувор этиб белгилангани таҳлил қилинса, Бразилия билан бир қатор ўхшашликлар кўзга ташланади. Бир мисол: икки мамлакат ҳам хомашё базаси вазифасини ўтаган мамлакатдан тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланди ва экспортда саноатнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуларни инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон билан Бразилия самолётсозлик, машинасозлик, нефть кимёси, тўқимачилик, кўнчилик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришни улкан имкониятларига эга, деб бемалол айтиш мумкин. Бундан ташқари, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, транспорт, геология-разведка, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби яна қўллаб соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

## Бразилияга ташриф самарали бўлди

Рио-де-Жанейро. 29 май. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикасига расмий таширфининг учинчи кунини — 29 майда Рио-де-Жанейро шаҳрига ташриф буюрди.

Қадимдан қаҳва маркази бўлган бу шаҳарда ҳозир саноатнинг мураккаб турлари бўйича фаолият кўрсатувчи қўллаб қорқоналар, йирик банк-молия муассасалари жойлашган. Бразилиянинг жанубий-шарқий қисми мамлакат худудининг 11 фоизини эгаллагани ҳолда мамлакат аҳолисининг 43 фоизи истиқомат қилади. Миллий саноат маҳсулотининг 80 фоиздан зиёди ушбу минтақа ҳиссасига тўғри келади. Қаҳва, шакарқамиш ва чорва маҳсулотларининг ҳам салмоқли қисми шу минтақада етиштирилади.

Президент Ислом Каримов Рио-де-Жанейро мэри Эдуарду Паэс билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасида шаҳарсозлик, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ободонлаштириш, сайёҳларни жалб қилиш, шаҳар инфратузилмасини тақомиллаштириш, шаҳарларро бевосита ҳамкорлик ва тажриба алмашишни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда)

## Ўқув-семинар



Семинарни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Муратжон Шарифжонов очар экан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг III курултойлари қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, жойларда бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида ахборот берди.

## ЎЗҚУФК ўқув марказида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма кўмиталари раисларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди.

## Кўтаринки кайфиятда ўтди

ма бюджети сметаларини тузиш, маблаглари ва мулкларини шакллантириш». «Ўзбекистонда иқтисодийнинг барқарорлиги ҳамда жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози оқибатлари». «Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган гоя ва қарашлар, уларнинг назарий ва илмий аҳамияти» каби долзарб мавзуларда мутахассис ва олимларнинг маърузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда)

# Ўзбекистон-Бразилия ҳамкорлиги ривожланмоқда

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Бразилия учун нафақат Марказий Осиё, балки МДХнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳам кўприк вазифасини ўташи мумкин. Навоий шаҳридаги қўшма компаниянинг логистика маркази бунга яхши мисол бўла олади. Маълумки, МДХда ягона бўлган мазкур марказ Корея Республикаси билан ҳамкорликда барпо этилмоқда. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг ҳам, Бразилиянинг ҳам стратегик шеригидир. Бу жиҳатдан қараганда, шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон-Корея саммити бўлиб ўтгани ва энди Бразилияда Ўзбекистон-Бразилия саммити бўлаётганида мантиқий боғлиқлик бор.

Ислол Каримов ва Луис Инасиу Лула да Силва Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни кенг муҳокама қилдилар. Президентлар Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият, Латин Америкасидаги жараёнлар хусусида фикрлашдилар. Президентлар, шунингдек, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш, оқибатларини енгилаштириш ҳақида фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида қўшма декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши бўлишидаги, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги тўғрисидаги ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро аниқлашув мемурандуми имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов шу кунги Бразилия Миллий конгрессида ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Бразилия парламенти фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасида расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА)

# Бразилияга ташриф самарали бўлди

(Боши 1-бетда)

Учрашув якунида Тошкент ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислол Каримов дунёдаги энг катта «Маракана» стадионига ташриф буюрди.

Бу иншоот Бразилияда «мамлакатнинг миллий стадиони» деб аталади. Стадион 1965 йилда барпо этилган. Унинг ҳаётида ҳақиқатан ҳам бир мисол орқали яхши тасаввур ҳосил қилиш мумкин: футбол бўйича тўртинчи жаҳон чемпионатининг финалида ушбу стадионда Бразилия-Уругвай учрашуви салкам 200 минг мухлис томоша қилган.

Шу билан Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Ислол Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасида расмий ташрифи низоҳасига өтди. Ташриф асносида эришилган келишувлар, жумладан, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий, маданий, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва спорт каби соҳалардаги ҳамкорлик борасида имзоланган ўндан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон — Бразилия ўртасидаги муносабатларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислол Каримовнинг расмий ташрифи Бразилия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

(ЎзА)

# Кўтаринки кайфиятда ўтди

(Боши 1-бетда)

— Аввало, ёшлар маънавиятини бойитиш, улар онгига мафқуравий билимларни сингдириб бориш лозимлигини аниқ мисоллар билан тушунириш бизнинг асосий вазифамиздир, — дейди Ангор туман бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси Гули Хайитова. — Шу маънода профессор Пирмат Шермухамедовнинг маърузаси бизга манзур бўлди. «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарининг аҳамиятини ўқувчилар янада мукаммал тушуниришида бундай семинарларнинг ўрни катта.

— Бир ҳафта давом этган семинар қизиқарли савол-жавоблар, кўтаринки кайфиятда ўтганини таъкидлаш лозим, — дейди Жалақуд туман бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси Саидкамал Раҳмонов. — Бирлашаётган замон талабларидан келиб чиқиб танланганлиги тингловчиларга маъқул бўлди. Ҳужжатлар билан ишлаш ва бошқа муаммоларни бартараф этишда бу ерда олган билимларимиз асосдир.

Ўқув давомида тингловчилар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» мухбири

## Бошланғич ташкилотларда

«Ўзбек қоғози» очик акциядорлик жамиятида 584 нафар ходим меҳнат қилади. Корхонадаги соғлом муҳит ҳар қандай кишида беҳиштиёр ҳавас уйғотади.

Бир майини қирқ бўлиб ейишга келишиб олган жамоа айни пайтда юзага келаётган қийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтишга муваффақ бўлмоқда. Жамиятнинг ўтган йил сарҳисоблари билан танишгач, шундай ҳулосага келиш мумкин.

# «ЎЗБЕК ҚОҒОЗИ»

— Ўтган йилги молиявий қийинчиликлар жамоа шартномасидаги меҳнат муҳофазасига тегишли айрим бандларнинг тўлиқ бажарилишига ҳалал берди. Электр ва транспорт ҳалатларидаги айрим таъмирлаш ишлари ҳам амалга ошмай қолди, — дейди очик акциядорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Лутфилло Турдиев. — Касабамиз ва корхона маъмурияти жамоа билан келишган ҳолда ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси бўйича сарфналадиган ҳаражатлардан қисман воз кечиш эвазига иш ўринларини қисқартирмасликка қарор қилди.

Бир ходимнинг ишини йўқотиши, бу бир оила таъминотсиз қолди, дегандир. Масаланинг шу жиҳати инобатга олингани барчага бирдек маъқул тушди.

Айни пайтда очик акциядорлик жамиятида 8 та цех ва битта лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Иш ҳажмига қараб цехларда 20 тадан 200 тагача ишчи меҳнат қилади. Транспорт цехида мақалатуралар қабул

қилиб олингач, лабораторияда текширувдан ўтказилади. Шундан сўнг улар майдалаш цехига қайта ишланади, қоғоз шиллаб чиқариш цехига юборилади. Бунда асосий иш чилангарлар зиммасига тушади. Эски қоғозлар майдаланиб, тозаланиб, кейин қоғоз ишлаб чиқарила бошлангунига қадар ҳавога кўтарилган қоғоз чанги ва кимёвий дориларнинг ҳиди бир мунча қийинчиликлар туғдириши табиий.

Айнан шунинг учун ҳам зарарли ишда 10 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаётган ходимларга 30 календар кунидан иборат ҳамда қўшимча меҳнат таътили бериб борилиши яхши аъналардан биридир. Шунингдек, оғир ва зарарли меҳнат шaroитларида ишлаётган ходимларга оширилган тариф ставкаларида иш ҳақи тўланади.

Меҳнат кадр топган жойда касбга, жамоага бўлган меҳр, садоқат ортиб бораверади. Акциядорлик жамияти ташкил этилганидан буён шу ерда узлуксиз ишлаб келаётганлар

кўпчиликини ташкил этиши ҳам аслида шундан. Қоғоз цехи ишчиси А. Шомирзаев, транспорт цехи хайдовчиси А. Шомирзаевлар ана шундай фидойилардир. Юбилей ёшига тўлганлари муносабати билан яқинда улар энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорига пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Молиявий таъкиллик ибрат кўрсатиб ишлаётган ходимларнинг рағбатлантириб боришга тўқсинлик қила олмайгани ҳам жамият раҳбарларининг яна бир ютуғи дейиш мумкин.

— Махсулотларга талаб бироз сустайгани, нарх-навонинг пасайганилиги сабабли даромад кутилганидек бўлмади. Шунга қарамай ҳеч кимнинг кайфияти тушиб кетмади, — дейди механика-таъмирлаш цехи бригадаси бошлиғи Пулат Юсупов. — Аксинча, бу нарса жамоа аҳлини янада жиҳатлашди, вазиятлар ва имкониятлардан унумли фойдаланишга уланди.

Энг муҳими, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий, жисмоний

спорт ва соғломлаштириш ишларида узилишлар бўлмади. Ижтимоий ҳимоялаш бўйича белгиланган имтиёзлар учун 107,4 миллион сўм, меҳнат муҳофазаси тадбирларига 282,2 минг сўм миқдорига маблағ ажратилган бўлиб, жамият ходимлари «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Бўстон» каби санаторийларда соғлиқларини тикладилар. Ушбу жамоада ишлаётган ходимларнинг фарзандлари «Машъал» соғломлаштириш оромгоҳига юборилиб, йўлнамалар учун 2 миллион сўмга яқин маблағ корхона ҳисобидан сарфланди.

Бундан ташқари, илғорлар Муҳимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театри, Ўзбек Давлат циркида бўлиб, маънавий ҳордиқ чиқардилар. Чипталар учун 153000 сўм маблағ корхона ҳисобидан ўтказиб берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, белгиланган вақт давомида давлатнинг соғлигини тиклаётган ходимларнинг касаллик варақалари учун ҳам йил давомида 21 миллион сўм маблағ сарфланди.

Д.АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

## Бухоро томонларда Қўшимча 258 та иш ўрни

«Иншоот Турхол Работкизи-текс» масъулияти чекланган жамияти Бухоро туманидаги кенжа корхоналардан Германия ва Хитой давлатлари дастгоҳлари билан жиҳозланган мазкур корхона дастлаб йиғирма нафар ишчи-ҳодим билан фаолиятини бошлаган бўлиб, махсулотларнинг катта қисми Россия Федерациясига экспорт қилинади.

Корхонанинг истиқболи порлоқ. Йил сайин ишчи-муҳасасилар сони ҳам ортиб бормоқда. Бултур 50 нафар киши меҳнат қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида яна 8 нафар ишчи жамоага қўшилди.

— Корхонамиз фаолияти янада кенгайтирилади, — дейди МЧЖ директори Комил Тешаев. — Хориқлик ҳамкорларимиздан янги дастгоҳлар харид қилиб ўрнатиш, махсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш борасидаги ҳаракатларимиз бир йилда 258 та қўшимча ишчи ўрни яратилишига имкон беради.

## Меҳнат ярмаркаси

Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Мазкур тадбирга олий ўқув юрталари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, чет мамлакатларда ишлаб қайтган ва хорижда ишлагани кетиш истагида юрган фуқаролар ва бошқалар таклиф этилди.

Меҳнат ярмаркасида вилоятда фаолият кўрсатаётган 1147 та корхона, ташкилот ва муассаса жами 8333 та бўш ишчи ўрни билан қатнашди. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси маълумотига қўра, ярмарка тўғрисида 7942 нафар киши ишга йўлланма олди. 3263 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



# ДАСТУРХОН ТЎКИН, РЎЗҒОР БУТ

Келадиғани йўқ. Плёнка остига бодиринг экиб, 4 миллион сўмлик махсулот сотдим.

Қаҳрамон ака деҳқончиликни отаси Самад бобо Сатторовдан ўрганган. Отаҳон 2 сотих ерда иссиқхона қуриб, 22 туп лимон устираётган. 1-2 тонна ҳосил ештириб, 10 миллион сўм фойда олди.

Қамаши туманидаги Корасув маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 32 сотих ер бир неча йиллардан бери бўш ётар эди. Уни тадбиркор Баҳодир Бозоров иктиёрига олиб, «Оққуш» савдо ва ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этди. Қишлоқ оқсоқли Моили Эштемировнинг таъкидлашича, бўш ётган майдонда супермаркет типидagi савдо дўкони, тўйхона, қойхона, новвойхона, сартарошхона, тиббиёт пункти, маҳалла гузари барпо этишга киришилди. Баҳодир ака 30 та иш ўрни яратиш билан бирга, томорқасида сабзавот ва полив махсулотлари, хонадонда очган қандолатчилик цехида ўн кишининг бандлигини таъминлаб, бир ойда 8 тоннагача новвот, конфет, оққанд тайёрламоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishi юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қўра, вилоятда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Воҳода мева-сабзавот, картошка, узум, полив махсулотлари етиштириш соҳасида фаолият юритаётган деҳқон хўжалиқлари ҳамда фермерларни уруғлик, қўчаклар, минерал ўғит, кимёвий химикатлар, шунингдек, турли иш қуроллари ва бошқа воситалар билан таъминлаш назарда тутилди, 105 та махсус дўкони ташкил қилинди. Жорий йил воҳода 368,9 минг тонна сабзавот, 90,6 минг тонна қўшма махсулотлари, 107,1 минг тонна картошка, 85,5 минг тонна мева, 79,7 минг тонна узум етиштирилади. Бу бултурга қараганда 1,5-2 баробар кўлиди. Яна бир ибратли томони 12 минг 500 гектар ерда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун но-анъанавий моили экинлар, лампада масхор суғурғилардан майдонларда қунгабоқар етиштириш мўлжалланмоқда.

— Фуқароларга томорқалар бериш кенг йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда, — дейди вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Э.Ражабов. — Юрт ободлиги, эл маъмуричилиги кўзгуси ҳисобланган бозорларда тўкин-сочинлик, махсулот қўп ва арзон. Деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантиришга касабга уюшмалари ҳам фаол аралашиб, бу соҳадаги илғор тажрибалар оммалаштириляпти.

Бир мисол. Касби туманининг Хўжақарлик қишлоғида яшовчи Тожибой Камолов бир йилда ўртача 7 тонна сўт ва қаймоқ тайёрлаб, 4-5 миллион сўм даромад ол-

моқда. Бундан ташқари, тахриблии деҳқон картошканинг ўзидан ярим тонна ҳосил кўтарди. Ховлисидеа ўрик, бодир, олча, шафтоли дарахтлари янашб турлиди. 50 туп теракни кесишга тайёрлаб қўйди. Хўжақарлик ва унга ёндosh Зарқўноқ, Қозоқ, Сарғушум қишлоқларида ҳам Тожибой акага ўраш тишиб-тинчимаса деҳқонлар қўп.

Қарши тумани Қожор қишлоғилик Акрам Назировнинг хонадонига борган киши 12 сотихлик майдонда яратилган мўъжизадан лол қолди. Томорқада исмаёлқандан тортиб, саримсоққиз, редиска, помидор, сабзи, шолғом, баклажонгача бор. Яна қўллаб қўчаклар экилиб, йил давомида қорқиб ҳосил олинади.

Асаларичилик — етти хазинанинг бири. Чироқчи туманидаги Қирғиз қишлоғида яшовчи Абдурахмон Бобоев қорқас асрдирки, асаларичилик билан шуғулланади. Айни пайтда Абдурахмон ака хонадонда 600 асалари оиласи парваришланмоқда. Бу хазиротлар ҳар йили 10 тоннадан ортиқ асал тўллаб беради.

Агар қишлоқ кўрсангиз, Абдурахмон ака оила аъзолари, ўғиллари Божийр, Икитёр, Зайниддин, келини Умидхон ва қўша-қўша набиралари билан етиштирган 10 тонна асали ҳазилакам маблағ бўлмайди. Меҳнатдан қочмаган одамнинг рўзғори обод, дастурхонини фойдаландир.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиали ОЧИ ТАНЛОВ ва очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этиди

I. 2009 йил 30 июн соат 15.00да қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi очик танлов савдосига куйидаги объектлар кўйилади:

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (миг.сўм)	Асосий шартлари
1	Жондор тумани молия бўлимига қарашли «Меҳрибон» болалар боғчаси	Жондор тумани, Қороли ҚФЙ	19 859,98	Фаолият турини сақлаш ва энг юқори миқдорда сармоя киритиши
2	Ромитан тумани молия бўлимига қарашли «Зёбо» болалар боғчаси	Ромитан тумани, Шурча ҚФЙ, Ембир қишлоғи	61 106,37	
3	Шофиркон тумани молия бўлимига қарашли 47-сон болалар боғчаси	Шофиркон тумани, Чандир ҚФЙ	7 535,65	

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2009 йил 30 июн соат 15.00дан бошлаб ўтказилади. Ушбу кундаги савдога сотилмай қолган объектнинг такрорий танлов савдолари 2009 йилнинг 14, 28 июл, 11 август кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Танлов савдоси Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10-йил ДМҚ Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси 4-қаватида ўтказилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин соат 12:00 тўхтайтилади.

II. 2009 йил 30 июн соат 11.00да бошланғич баҳосининг ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига куйидаги объектлар кўйилади:

1. Қорақўл тумани, молия бўлимига қарашли Қорақўл тумани, Қораун ҚФЙда жойлашган «Саодат» болалар боғчаси. Бошланғич баҳоси — 20706 268 сўм.

2. Вобкент тумани, молия бўлимига қарашли Вобкент тумани, Янгиент қишлоғи, Нйёган аҳоли мажлисида жойлашган «Пахтаюк» болалар боғчаси. Бошланғич баҳоси — 15989 849 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдоси 14, 28 июл ва 11 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10-йил ДМҚ Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 4-қаватида ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун «Заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, заказат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангунидан 1 кун олдин соат 18:00да тўхтайтилади.

ТАНЛОВ ва АУКЦИОН савдоларида қатнашиш истагани билдирган шахслар заказат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (он беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиалининг АТБЕ «Иптека банк» Сардор филиали 2021 0000 2045 3759 9009, МФО 00119, СТИР 206 761 326 жисоб рақамига — заказат пули тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10-йил, 3-қават. Телефон: (8 365) 223-69-62, факс: 770-04-01. Электрон манзил: Buk\_RMA\_DK@inbox.ru

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Андижон вилоят филиали ОЧИ ТАНЛОВ ва очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этиди

I. 2009 йил 30 июн соат 10.00да бошланғич баҳосининг ошиб бориши тартибидagi очик аукцион савдосига куйидаги объектлар кўйилади:

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўмда)
1	«Ягона буюртмачи хизмати» Инжинеринг Компанияси балансидаги қурилиш тугалланмаган 24 хонадонли турар жой биноси	Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри	62 403 181 (ер майдонидан ташқари)
2	Мархамат тумани ҳокимлиги Молия бўлимига қарашли «Сут қабул қилиш пункти» биноси, навес, темир дарвоза, электротиш ва 5 донна магнитгапускателлар	Мархамат тумани	8 063 184

Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уйда жойлашган Фарғона вилоят «Матлуботсавдо» АК биносининг 1-қават 48-хонасида бўлиб ўтади.

Ушбу кундаги савдога сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 15, 30 июл, 14, 31 август кунлари соат 10:00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун «Заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, заказат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангунидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтайтилади.

II. 2009 йил 30 июн кунини қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi очик танлов савдосига куйидаги объектлар кўйилади:

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Танлов шarti	Бошланғич баҳоси (сўмда)
1	«Корасув пайпоқ тўқиш» АЖнинг Етоқхона биноси	Корасув шаҳри, А.Темур кўчаси, 101-уй	Энг юқори инвестиция киритиш шarti билан	145 920 893 (ер майдонидан ташқари)
2	«Норин-Қорадар» ИТБ қарашли «Пойтуғ кичик ГЭС» бино ва иншоотлари	Избоскан тумани	150,0 млн. сўм миқдорда қўшимча инвестиция киритиш шarti билан	68 474 953 (ер майдонидан ташқари)
3	«Ягона буюртмачи хизмати» Инжинеринг Компанияси қарашли қурилиш тугалланмаган «150-ўринли Шифохона» биноси	Пахтаобод тумани	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва энг юқори миқдорда инвестиция киритиш шarti билан	315 506 922 (ер майдонидан ташқари)

Аукцион савдосида иштирок этиш учун «Заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, заказат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангунидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтайтилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2009 йил 30 июн соат 14.00дан бошлаб Андижон шаҳри, Навоий шoҳрoқчаси, 30-уйда ДМҚ Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, 104-хонасида бўлиб ўтади.

Ушбу кундаги савдога сотилмай қолган объектларнинг такрорий танлов савдолари 2009 йил 15, 30 июл, 14 август кунлари соат 14:00 да ўтказилади.

Талабгорлардан танлов ҳужжатларини қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат олдин соат 11:00да тўхтайтилади.

Утказилган Аукцион ва Танлов савдоси қоғозлари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида давлат ахборот оиди-сотиш шартномасини имзоланиши керак.

АУКЦИОН ва ТАНЛОВ савдоларида қатнашиш истагани билдирган шахслар заказат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (он беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда «

# Болаларга беринг дунёни...



Бола ҳуқуқларини тақомиллаштириш ёш авлоднинг яхши тарбия топиши ва ётарлича билим олиши, умуман, баркамол бўлиб воёга етишида жуда муҳимдир. Бу борада мамлакатимизда қатор хайрли ишлар амалга оширилади.

Халқимиз болажон халқ. Фарзандини суюб-эрқалаб воёга етказишни ҳуш кўради. Шу жиҳатдан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосий вазифалардан бири сифатида аҳамият берилиши табиий. Чунинчи, Истиклолнинг илк йилларидаёқ (1992 йил 9 декабр) «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция ратификация қилингани фикримизнинг яққол далилидир.

## ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

Маълумки, 1948 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Мазкур декларация ва 1966 йилги инсон ҳуқуқларига доир халқаро пактларда болалар алоҳида ҳимоя объекти ҳисобланиши эътироф этилган.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги резолюцияси асосида қабул қилинди ва йигирмата давлат томонидан ратификация қилинганидан сўнг 1990 йил 2 сентябрда қучга кирди. Айни вақтда конвенцияни 193 мамлакат имзолаган ёхуд мазкур ҳужжатни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш орқали конвенция иштирокчисига айланган.

Шу тариқа Ўзбекистон ўз зиммасига олган бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришга киришди. Ўтган давр мубайнада мамлакатимиз мунтазам равишда миллий маърузаларини тегишли тартибда БМТнинг Бола ҳуқуқлари кўмитасига тақдим этиб келаётди. Шу билан бирга халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 5 февралда қабул қилинган «Оналар ва болалар» давлат дастури тўғрисида»ги қарор ҳам шу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Унда оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бу борада муайян тизим яратиш кўзда тутилди. Жумладан, болаларнинг соғлом туғилиши, жисмонан ва маънан баркамоллиги йўлида барча шароитларни яратиш, педагогик ва психологик усуллар асосида тарбиялаш, фарзанд камолида маҳалла ролини ошириш, умуминсоний ва миллий кадриятларга ҳурмат руҳида ўлғайтириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 — 2011-йилларга мўлжалланган «Ўзбекистоннинг болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури» иш-лаб чиқилди. Унда халқаро таъриба ва ҳуқуқ тизимини ҳисобга олиб оила, оналар ва болалар манфаатини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш ва уларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш белгиланди. Шунингдек, умумий таълим дастури-ни амалга ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш тизимини ривож-лантириш, болаларнинг иж-тимий ҳимояга муҳтож қат-лами — ногиронлар, етим ва кам таъминланган оила фар-зандлари давлат томонидан ҳимояланиши назарда тутил-ган.

Кейинги пайтларда оналар ва болалар ўртасидаги ўлим ҳолатлари сезиларли даража-да қамалди. Оналаримиз ши-фокорларнинг доимий назор-тида бўлиб, туғилаётган болалар парваришига катта эътибор қаратилаётди. Она ва бола саломатлиги юзаси-дан тушунтириш ишлари че-ка ҳудудларда ҳам кенг йўлга қўйилган. Айниқса, болалар тарбиясига, жисмонан ва ақ-лан баркамол бўлиб ўси-шига ётарлиқ шароит яра-тилгани эътиборга молик.



Бундай ғамхўрлик юртимиз аҳолисининг асосий қисmini ташкил этадиган ёшларнинг келажақда ҳақиқий юрт эгалари бўлишига замин яратади. Ўтган йилнинг «Ёшлар йили» дея эълон қилиниши бу эъти-борни том маънода янги бос-қичга кўтарди. Болалар ҳуқуқ ва эркинликларининг мукамал шаклланишига катта аҳамият берилди. Жумладан, 2007 йил 1 декабрда Олий Махлис Се-натынинг ўзи иккинчи ялпи ма-жлисида Қонунийлик палатаси қабул қилган «Бола ҳуқуқлари-нинг кафолатлари тўғрисида»ги қонун маъқулланиб, 2008 йил 8 январдан қучга кирди. Унга қўра, боланинг байриво-нуний кўчирилишининг олди-ни олиш, индивидуалликка эга бўлиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳимоя этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар: етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, дав-лат таъминотидаги ихтисослаш-тирилган ўқув-тарбия муассас-саларининг битирувчилари, жа-зонни ўташ муассасаларидан озод этилган болалар аввал истиқомат қилган турар-жой мақомига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар-жой олиш ҳуқуқига эгадир. Но-гирон, жисмоний ва руҳий ри-вожланишида нуқсонли болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи кафолат-ланди. Улар давлатнинг соғ-лиқни сақлаш, меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам оли-ши, ўз уйда парвариш қили-ниши ҳамда махсус таълим да-стурлари асосида ўқиш ва тар-бияланиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Бу эса қонуннинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқларга мувофиқлигини кўрсатади.

2008 йил 27 мартда Сенат томонидан «Болалар меҳнати-нинг оғир шакллари таъқиқ-лаш ва йўқ қилишга доир шо-шилчин чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июн) ратификация қилиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янги босқичга олиб чиқди.

Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир давлат болалар меҳнати энг ёмон шаклларига барҳам бериш юза-сида қилинаётган ишлар бўйича ҳисобот топшириб ту-ради. Бу эса бола ҳуқуқлари тўлиқ давлат ҳимоясига ўтиши-ни таъминлайди. «Мазкур конвенция мақсадлари учун «Бола» атамаси 18 ёшга қўлланади» (конвенциянинг 2-моддаси). Демак, 18 ёшга тўлмаган барча болаларни но-

қонуний равишда оғир ишлар-га жалб этиш, ҳавфсизлиги ва маънавиятига таъсир этадиган барча ишларга барҳам бериш кўзда тутилди. Конвенциянинг ратификация қилиниши ёш ав-лодга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир. Ҳабарингиз бор, Президенти-миз Ислам Каримовнинг ўтган йил 1 майда эълон қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дасту-ри тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистоннинг «Бола ҳуқуқла-ри тўғрисида»ги конвенция-нинг иккита қўшимча протокол-ига қўшилиши мақсадага му-вофиқлиги эътироф этилган эди. Шунга қўра, ушбу ҳужжат-лар Қонунийлик палатаси то-монидан 2008 йил 10 ноябр-да, Сенатда эса 3 декабрда ра-тификация қилинди. Яқинда бу ҳужжатларнинг ўзбекча наشري китоб бўлиб чиқди.

**Болалар ҳуқуқлари тарғи-боти доирасида мазкур кон-венция ва бошқа ҳужжатлар-ни давлат тилига таржима қилиш, тўплам ҳамда алоҳи-да китоблар шаклида нашр этиб кенг тарқатиш йўлга қўйилган.**

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида-ги конвенция ва унинг факул-татив протоколлари» деб ном-ланувчи ушбу нашр ана шу йўлдаги яна бир амалий қадамдир. Мазкур тўпламда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция, ушбу конвенцияга қўшимча иккита протокол — Бо-лаларнинг қўроқли можазолар-да иштирокига тааллуқли фа-култатив протокол ҳамда Бола-лар савдоси, болалар фоҳиша-бозлиги ва болалар порногра-фиясига тааллуқли факултатив протоколнинг ўзбекча матни жой олган. Ана шу уч ҳужжат-ни бола ҳуқуқлари бўйича хал-қаро кодекс деб аташ мумкин.

...Бобо ва набира. Авлодлар алмашинувнинг рамзий ифо-даси. Бобонинг нур балқиб тур-ган, насиҳатомас нигоҳлари, набиранинг эса беғубор, қизи-қувчан чехраси умр мазунини, фалсафасини ақс эттиргандек бўлади. БЕҒУБОР ДУНЁНИНГ гард юкмай ўлғайиши, мақсад-ни, шижоатини ўзида мўжассам-лаштирган авлод (ўтмиш ва ке-лажакнинг олтин ҳалқаси)ни кўриш умиди барча замонлар-да башарианинг бирламчи ор-даси бўлган. Шу нукта назар-дан нафақат мамлакатимиз, бал-ки жаҳон ҳамжамиятининг бо-лаларни ҳимоялашга қаратил-ган сый-ҳаракатлари бежиз эмас. Зеро, эртаси бақувват эл-нинг асоси шубҳасиз ёш (бо-лалар ҳисобланади.

Акмал ТОШЕВ

## Нурликўёшининг «Ғунча»си

Бола қалби севишга лиммо-лим бўлиб, у ҳаёт ташвишлари ва қийинчиликларидан тамоман беғонадир. Жиззах туманидаги Нурликўёш қишлоғида жойлашган «Ғунча» номли 3-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари даврасида бунинг гувоҳи бўласиз. Бу ерда 140 та болага таълим-тарбия бериляпти. Олий тоифали педагог Гулчехра Тўрабоева раҳбарлигидаги ушбу муассасада қўлаб фидойи мутахассислар ишлайди. Машғулот хоналари замонавий ўқув-техник воситалар ва кўргазмалар қуроллар билан жиҳозланган.



Биз олий тоифали педагог, «Йил тарбиячиси — 2007» республика танлови ғолиби Манзура Раҳма-тованинг катта гуруҳдаги болалар билан «Предмет ва нарсаси кўринишини қандай ифодалаш керак?» мавзусида ўтказган машғулотда қатнашдик. Жон-қуяр тарбиячи дастлаб кичкинтойларни ҳовлига олиб чиқди. Бир неча дақиқалик сайрдан сўнг болалар ўз ўринларини эгаллади. Тарбиячи «Сиз те-варақда нималарни кўрдингиз? Улар қандай кўри-нишда? Уларнинг расмини чиза оласизми?» каби саволлар билан муножбат қилди. Болалар эса ал-бомларида чарақлаб турган қўёш, атрофдаги дов-дарахт, гуллар ва қушлар, уларни рангли бўёқ-ларда ифодалашга ҳаракат қилишди. Ҳар бир расм юзасидан берилган саволга қутилганидан ҳам зиё-д жавоб олган тарбиячи ўзи ясаган шартли белги-лар, рамз ва расмлардан ҳам ўринли фойдаланди. Бу усул болаларнинг сўз бойлигини оширибгина қолмай, расмлар орқали жавоб беришни ҳам осон-лаштирди. Шунингдек, машғулот давомида улар-

нинг фаоллиги ошиб, мустақил фикрлаш ва ҳу-лоса чиқариши таъминланди. Муассасада кичкинтойларга тасвирий санъат, матога нақш солиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, зардўзлик сирлари ҳам ўргатиляпти. — Маҳалладаги 17 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болага бепул оғакт, таъ-лим-тарбия берилмоқда, — дейди қасаба уюшма кўмитаси раиси Умида Икромова. — Уларга шод-лик улаштириш ҳаракат қилаялмиз. Қишлоқда қўли очик инсонлар кўп. Фермер ўқтам Сиддиқов, қишлоқ фуқаролар йиғини раи-си Носир Файзуллаев, меҳнат ветерани Тўпа Ра-ҳмонқуловлар шулар жумласидандир. Улар кич-кинтойлардан тез-тез хабар олиб, беминнат ёрдамларини аямаяпти. Иссиқ кийим-кечак, ши-ринликлар, ўқув қуроллари ва ўйинчоқлар совға қилишади. Богчини таъмирлашга ҳам кўмакла-шишади.

Абдулла САИДОВ

Ўзбекистон ёкиги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геоло-гия ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарғи вилоятидаги вакиллари «Она ва бола» кўрик-танловини ўтказди.

## «Она ва бола» кўрик-танлови

Қизгин кечган беллашув-лар Муборак таъни қайта иш-лаш заводи тиббий тозалик қисмининг гинекология бўлими ҳамшираси Наргиза Абдурахмонова ва унинг қизи, Муборак туманидаги Н.Саидов номли ўрта мактаб-нинг 1-синф ўқувчиси Шаҳ-ризода Шероғаниев ишонч-ли ғалабаси билан яқунлан-ди. «Қашқадарёнефтгазсаноа-тқурилиш» очик ҳиссдорлик жамияти ҳисобчиси Нигора Исмолова ва қизи Марҳабо, «Муборакнефтгаз» унитар шубъа корхонасининг қаса-начиси Шаҳноза Қархорова ва қизи Ситорақар ҳам со-вринли ўринлар насиб этди.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» муҳбири

**Хотин-қизлар халқаро демократик федерацияси кенгашининг Москвадаги сессиясида (1949 йил) қабул қилинган «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўри тўғрисида»ги қарор жажон жамоатчилигининг эътиборини болаларни уруш ҳавфидан ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш, таълим ва тарбиясини демократик асосда амалга ошириш учун ялпи қурашга қаратган эди. Шу тариқа 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўри дастлаб 1950 йилда дунёнинг 51 мамлакатда нишонланган.**

## Эъзоздаги эркатойлар

Дарҳақиқат, жаҳонда содир бўлаётган барча адолатсизлик-нинг биринчи қўроқли болалардир. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар асир олинган минглаб болаларни қўлаб-қуватлаш, боқувчилар билан ўйрилган болаларни АҚШ ва Европа мамлакатларидан фарзандсиз бой оилаларга, яширин фирмаларга катта пулга сотмоқдалар.

БМТ томонидан 1989 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Бола тўғрисида»ги конвенцияга мувофиқ бола деб 18 ёшгача бўлган шахслар белгиланган. Юртимизда болаларни ҳимоялашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширил-ди. Жумладан, ногирон болаларни ижтимоий жиҳатдан қўлаб-қуватлаш, боқувчиларидан ажралиб воёга етган ногиронларни уй-жой, дори-дармон билан таъминлаш каби чоралар қонунларимизда ўз ифодасини топан. Болаларимизнинг эркин, озод, бахтли яшашлари учун барча шароит мўҳайё. Улар замонавий лицей ва коллеж-ларда ўқиб камолот сари интилмақда.

Сирожиддин МУСАЕВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар қилиб воёга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиклол йилларида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинди. Хусусан, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун 2008 йилнинг 8 январидан қучга кирди.

## Ҳар бири — бир ОЛАМ



Бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмининг тақомиллаштириш йўли билан болаларни, жумла-дан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар-ни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизимига алоҳида эъти-бор қаратилади.

Болаларнинг барчаси юртимиз-да болаларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом бўлиб воёга етишлари учун қилинаётган эзгу амаллардир. Халқимизда бола-нинг беғонаси бўлмайти, деган нақл бор. Қайси миллат ёки элат вақили бўлмасин, биз унун ҳамма бола бирдек азиз. Болаларнинг ҳар қайсиси меҳрга, муҳаббатга ташна бўлади. Айниқса, меҳри-бонлик уйи тарбияланувчилари шундай ғамхўрлик ва эътиборга муҳтож.

Пойтахтимиздаги Хлебушкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи болалари билан суҳбатлашгани-мизда бунга яна амин бўлдик. Бу ердаги болаларнинг ҳар бири бир олам. Лекин уларнинг ўқик қал-бига бир-бирига ўхшаш. Бу келтирилган ўрнини тўдирадиган ҳолат ушбу меҳрибонлик уйи-да 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 100 га яқин бола тарбияланади. Бу ердаги турли миллат болалари-нинг барчаси ўзбек тилида она тилидагидек гапириши бизни

ҳайрон қолдирди. Бу ҳақда меҳрибонлик уйи директори-нинг ўринбосари Хурсаной Хо-ловадан сўраганимизда, шун-дай жавоб берди: — Меҳрибонлик уйи тарбияла-нувчилари кўп миллатли бўлишига қарамай, уларни тарбия қилаётган-ларнинг кўпчилиги ўзбек. Болалар тарбиячиларини ўз оналаридек се-вишади, ҳурмат қилишади. Шунинг учун ўзбекча гапириш уларга қий-инчилик туғдирмайди. Меҳрибонлик уйи болалари ҳозир оилавий концепция асоси-да тарбияланмоқда. Бу ерда улар ўзларини оила шароитида яшаёт-гандай ҳис қилиши учун катта-ки-чик, ака-ука, опа-сингилдек бир муҳитда ўлғайишади. Яшашлари, таълим олишлари учун барча шарт-шароит мўҳайё. Аммо меҳр-га ташна чехраларга боққанимизда ундаги маъюслик, нигоҳларда қотиб қолган соғинч тилда сўр-майдиган сўроққа жавоб қутаётган-дек туюлади.

Ораминда шундай одамлар ҳам борки, меҳрибонлик уйини бола боқиб олинмаган жой деб билишади, — дейди Хурсаной опа. — Ҳоҳида қасбинг тақозосига қўра ҳар хил одамлар билан мулоқотга киришсан. Меҳрибонлик уйига ке-либ, ўз жигаргўшасини беғоналар қўлига топшириб кетаётганларнинг кўзларига боққанимизда, уларда меҳр йўқлигидан юрагинг увулиб кетади.

Бу ерга бир аёл келиб, қизло-гини топширмоқчилигини айтиб қолди. Ўзи четта, пул ишлаш ния-тида кетаётган экан. Қизига қараш-га унинг қариндошлари бўлмагани учун ушбу ерга ташлаб кетиши-ни айтиди. Аёлга тўри йўл кўрсат-ишга, ҳўяли маслаҳат беришга

қанча уринмай, барибир ўз бил-ганидан қолмади. Унинг гап-сўзидан англаб етдимки, фарзан-дига меҳрсиз онандан бошқа ни-мани ҳам қутиш мумкин. Қола-верса, қизча шундай она қўлида тарбия топгандан қўра меҳрибон-лик уйида, ўз тенгқурлари олди-да бўлиши кераклигини ҳис қил-дим.

Ҳозир қизалоқ шу ерда тар-бияланапти. Эсли-хушли, мак-табда ҳам аълога ўқийди. Аммо бир кун келиб, у ўз онасини кўрмасамди деб айтолмайман. Чунки она ва бола ўртасида яширин, аммо мустаҳкам риш-талар борки, улар ҳеч ким тўққинлик қилишга қодир эмас. Янгилигидан ҳоҳида бир фар-зандини иккинчисининг исми бил-ан «қадридан ота-оналар ҳам бор. Лекин бу ердаги тарбиячи-ларнинг, таъбир ҳоиз бўлса, она-ларнинг юзга яқин ўғил-қизлари исмини унутиб қўйишмаганига қийин қилиш мумкин.

Тарбиячи оналардан болалар-нинг феъл-атвори, ҳўли ҳақида сўраганимизда, улар меҳр бил-ан сўзлай кетди: — Бу ердаги ҳар бир бола ўзига ҳис. Мана, Сарваржон еҳ-нин ўқир, тиришқоқ бола. Жа-момиддин келгусида ҳуқуқшунос бўлмақчи. Элвир ҳама мактабда фақат аъло баҳоларга ўқийди.

Тарбиячилари мактовидан қўларни чакнаб кетган бу бола-қалларга қараб, уларнинг эртан-ги кўнига умидлари чексизлиги-ни кўриб, юрагининг туб-ту-бидан шундай сўзлар отилиб чиқди: сен ҳали ҳаммадан бах-тли бўласан, болажон!

Орагул РУСТАМОВА

## Соғлом фарзанд — соғлом келажақ

Президентимиз Ислам Каримов таърифла-ганидек, оила ҳаётининг абадийлигини, авлод-лар давомийлигини таъминлайдиган, уларнинг камолотига беғонаси таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Оила фаровонлиги миллий фаровонлик асоси ҳисобланади. Оиланинг барқарорлиги ва унда воёга ет-таётган ёшларнинг қомил инсон бўлиб ўлғайиши маънавий-маърифий ҳамда ах-лоқий жиҳатдан ибрат бўла оладиган му-ҳитга боғлиқ. Халқимиз болажон. Фар-зандлар ўлғайгач, уларни уйлантириш ва узасти ташвишлари бошланади. Бироқ бўлажақ келин-қўвларнинг соғлиги ҳақида қайғуришни баъзида унутиб қўямиз. Аслида эса маънан ва жисмонан соғлом авлоднинг воёга етишида оила қураётган йигит-қизларимизнинг саломат-лиги асосий омил саналади. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги «Нихоқланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби ҳақида»ги қарори ҳам жамият келажагини ўйлаб қабул қилинган муҳим ҳужжатдир. Қарор

асосида никоҳдан ўтувчи ҳар бир келин-қўё ирсиятга таъсир этувчи касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтатиш лозим. Сир эмас, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ирсий касалликка учраш ҳавфини қучайтиради. Ирсиятга таъсир эту-вчи касалликка эътиборсизлик оқибатида ту-ғилдиган ногирон фарзанд эса ҳам оила-га, ҳам жамиятга қанчадан-қанча моддий ва маънавий ташвиш туғдиради. Айрим ота-оналар фарзандларининг касаллини яшириб ёки бир томонинг никоҳдан олдинги тиб-бий қўриқда аниқланган касаллиги бўйича ФХДЕ бўлини ҳодимларининг оғоҳланти-ришига қарамадан «тўйин бошлаб қўйган-миз, ҳаракатларимиз зое кетмасин, маҳал-ла, қариндошлар ўртасида гапга қоламиз» деган ваъдалар билан муаммога юзак қараб тўй қилиши янги оилада дунёга келадиган фарзандларнинг соғлигига таъсир кўрсат-май қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, оила-ларнинг дарз кетиши, ногирон болалар-нинг қўлаиши, аҳримлар сонининг орти-шига олиб келади. Шу нукта назардан, Президентимизнинг

2008 йил 18 июнда қабул қилинган «Бо-ларлиқдан но-гиронлар ту-ғилишининг ол-дини олиш учун турма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қаро-рида соҳа мутахассислари халқимиз орасида тушултириш ишларини олиб бориш лозим-лиги алоҳида таъкидланди. ФХДЕ ҳодимлари туман хотин-қизлар кўмиталари, Республика скрининг маркази, туман соғлиқни сақлаш бўлиmlари билан-ҳамкорликда маҳалла аҳолиси, коллеж талабалари ва мактаб ўқувчилари иштиро-кида ушбу мавзудан юзасидан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиб, кенг тушулти-риш ишларини олиб бормоқда.

Зилола Йўлдошова, Шайхонтоҳур тумани ФХДЕ бўлими 2-тоифали иш юритувчи инспектори

1 1. Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон мил-лий маркази директори



# Бугун Сирдарё вилоятида

# Кучлироқ... Эпчилроқ... Зуккороқ...

## ёшлар баҳсларга киришдилар



### «Умид ниҳоллари»да яна баҳор

Не ажаби, атиргулу жийда гулли май ибтидо-сида Гулистонга қайта кўклар келди. Воҳага «Умид ниҳоллари» — ватанимизнинг гулу чекаклари, бегубор гунчалари — Ўзбекистон болаларининг уч йилда бир бўладиган энг тогли орзулари баҳори келди. Гулистоннинг кувнок меҳмонлари тимсолида бутун Ўзбекистон фарзандларининг бахтиёр чехралари бир манзилда намоён бўлди.

«Умид ниҳоллари» мурғак қалбларга ватан меҳри, муҳаббатини мустаҳкам жо этади. Ватан фарзандларини бир мақсадга — Ўзбекистон номини жаҳон узра улуғлашга ундайди. Бу шундай бир файзли анжумани, фарзандларини бир манзилда, бир дастурхонга жамулжам этади. Ўзбек дастурхони эса азиздан ҳамжихатлик тимсоли, инқилибнинг кудратли воситаси бўлиб келган.

«Умид ниҳоллари»да биз бўлажак олимпиада ва жаҳон чемпионларини, кўраи замин бөлашувларига элтадиган равон йўлни кўраимиз. Гулистоннинг Мустақиллик кучасидан «Алпомиш» спорт мажмуаси томон бораётган ота-хонлар нигоҳида эса набиралар ва чеваралар камолидан кўнгли тўқлик, шукроналиқни илғаймиз.

Ха, кичик олимпиада руҳи юртдошларимиз кайфиятида ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. **Уруш ва меҳнат ветерани, «Нуроний» жамағатининг Гулистон шаҳар бўлими раиси Бектурсун ПИРМАТОВ дейди:**

— Биз, гулистонлик қариялар ҳам болаларимизнинг кувнок спорт айёмини беҳад шод-хуррамлик билан қаршиладик. Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган мактаб ўқувчилари ўртасидаги спорт мусобақаларининг номиеқ кишини гурулантиради. Унд халқимизнинг меҳр-муруввати, бола-жонлиги, давлатимизнинг ёш авлод келажигига бекиёс эътибори мужассам. Боз устига, бундай улкан анжуман Гулистон шаҳри тарихида илк бор ўтказилаётир. Шаҳримиз бунёдкорлик, ободлаштириш ишларидан сўнг янада кўркاملашди.

**Ширин шаҳридаги 4-мактаб директори, «Меҳнат шухрати» ордени ва «Шухрат» медали соҳибни Абдунаби МУСТАФОҚУЛОВ айтиди:**


— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга оид кенг қўлмал ишлар самараси биз истиқомат қилаётган Нуробод маҳалласида ҳам буй кўрсатган. Маҳалламизда истиқлол йиллари қурилган мухташам мактаб қаторида спортнинг унлаб турлари билан шуғулланса буладиган замонавий спорт мажмуаси, малакали мураббийларимиз бор. Таълим жараёнида жисмоний тарбия машғулотларининг ҳам замон талаблари даражасига кўтарилганлиги болаларнинг ҳар жиҳатдан баркамол ривожланишида муҳим омил бўлаётир. «Умид ниҳоллари-2009» мусобақаларида мактабимиз ўқувчиси ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўлганлиги ана шу ижобий ўзгаришларнинг намунасидир.

**Бойвут туманидаги Алишер Навоий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳасан ЗИКРИЛЛАЕВ дейди:**

— Яқинда бир гуруҳ кексалар «Умид ниҳоллари-2009» мусобақалари олдидан ватанимизнинг кўна шаҳарлари зиёратига борди. Сафарда мозий обидалари қаторида янги қурилган кўлаб иморатлар ҳаммамизни ҳайратга солди. Биргина спортга алоқадор иншоотларнинг ўзи бир жойга йиғилса, каттагина шаҳарга баробар бўлади деган фикрга келдик. Бугун деярли ҳар бир шаҳар ва туманда ана шундай спорт мажмуалари мавжуд. Янгилари қурилмақда.

Дарвоқе, «Умид ниҳоллари» ана шу улуғ ўзгаришларнинг улкан тантанасидир. У барчамизнинг қалбимизга кувонч, хонадонимизга байрам шуккуни олиб келади. Бугун бундай шукку Гулистон кўчаларидагина эмас, ватанинг ҳар бир гўшасида кезмоқда. Полвон набирасига ок фотиҳа берган бобо, футболчи ўғлига «Ултириб қўйма» деб туйинилган ота, «Фолиб бўлсанг, мактабимиз фахри бўлсан» дег ўқувчисини кузатган ўқитувчилар... Буларнинг баридан «Умид ниҳоллари» нуфузи нечоғли юксак эканлигини англаймиз.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ



### Шукроналар айтиб бахтли тақдирга



**Ватаним, чаманим, Гулистон шаҳрим, Кулай шароитлар, кувончли онлар. Дегайман қалбимда жўш уриб меҳрим: «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

**Ёшларга мунтазир бино, майдонлар, Кулай шароитлар, кувончли онлар. Посбону парвона, фидойи жонлар, «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

**Биллурдай чарақлаб тунги чироқлар, Нурларга ювилди майса, япроқлар. Шодлиқдан лолагун, тиниқ ёноқлар, «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

**Шукроналар айтиб бахтли тақдирга Алпомиш, Барчинлар келар тадбирга, Файратли лочинлар келар тадбирга, «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

**Бугун эътиборда ҳар соат, ҳар вақт, Ишончи оқламоқ олий бурч ва аҳд. Энг эзгу тилаклар тилар Садоқат, «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

**Эзгу йи бошлаган Шаҳриёрларим, Одилю Оқилу Бахтиёрларим. Зафарлар ёр бўлсин, Шоҳсуворларим, «Умид ниҳоллари» муборак бўлсин!**

Садоқат ФАЙЗИЕВА, журналист, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси



### Ёшлиқ, дўстлик ва спорт байрами

**Кеча Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди**

**Бугун бутун Ўзбекистон нигоҳи Сирдарё вилоятига қаратилган десак, муболага бўлмайд.** Гулистон шаҳар темирйўл вокзалининг файзи ўзгача. Спорт байрами иштирокчиларини кўтиб олишга чиққан ёшлар, вилоят мутасаддиларининг чехрасида интилик белгиси. 29 май кўни эрталаб соат 8<sup>00</sup>. «Умид ниҳоллари-2009» мусобақаларида қатнашиш учун вилоятлар терма жамоалари етиб кела бошлади. Хоразм, Бухоро, Навоий вилоят жамоалари чиққан поезд Гулистонга етиб келди. Карнай-сурнай садолари дилларга ҳажжон билан қоршиб, барчага хушнудлик улашди.

Сўнгра соат 10 да Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари спортчилари, 11<sup>30</sup> да Қорақалпоғистон, Андижон, Сурхондарё, Тошкент шаҳри ва вилояти терма жамоалари Гулистонга етиб келди. Соат 14<sup>30</sup> да Фаргона ва Наманган ёшлари тантанали кўтиб олинди.

Биз беллашуварга, дўстона учрашуварга ошқайтган ўғил-қизларнинг дил сўзларини эътиб олдик.

**Зарнигор ТОЖИБОЕВА:**

— Андижон вилоятиданман. Уч босқичли спорт мусобақаларида вилоятимиз ёшлари пухта тайёргарлик кўришди. Узим кўл тўпи баҳсларида қатнашаман. Жамоамизнинг соврилни ўринлардан жой олишига улуш қўлишни истайман. Албатта, моҳир гандболчи бўлишни учун «Умид ниҳоллари» каби йирик мусобақалар айна мудао. Ниятим — кўл тўпи бўйича маҳоратимни ошириб, келажикда Ўзбекистон чемпиони бўлиш. Устозимиз халқаро мусобақалар ҳақида кўплаб қийоқлар сўзлаб беради. Демак, яхши ўйнасак, Осиё ўйинлари, қитъа чемпионатлари ҳам киши имкони бор.

**Жасур ТУРСУНБОЕВ (Тошкент шаҳри):**

— Футболга қизиқишим кучли. «Умид ниҳоллари»да футбол бўйича Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қиламан. Жамоамиз биринчи ўйинни сурхондарёлик футболчиларга қарши ўтказар экан. Фолиб чиққан жамоа Тошкент ва Самарқанд вилоятлари футболчилари ўртасидаги ўйин фолибига қарши майдонга чиқади. Ҳар бир жамоада галабага интилиш кучли. Рақиблар қанчалик жиддий қаршилик қилмасин, фақат биринчи ўрин учун курашамиз.

**Ирода АЛЛАНАЗАРОВА:**

— Баскетбол бўйича Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қиламан. Қизирик туманиданман. Бизни бунчалик тантана билан кўтиб олишди деб ўйламагандим. Гулистонда қад кўтарган спорт иншоотлари ёшларга давлатимизнинг катта совғасидир. Бу каби эътибор, янги қурилишлар бугун ҳар бир вилоятда кузатилади. Биз илм олиш, спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз керак. Қизирик туманида ҳам спортнинг турли турлари билан шуғулланувчи ўғил-қизлар кун сайин кўпаймоқда. Қишлоқларимиздан чемпионлар етишиб чиқаяпти.

**Жайнагул ЕСИМОВА:**

— Волейбол бўйича Қорақалпоғистон терма жамоаси аъзосиман. Қорақалпоғистонда волейбол бўйича яхши анъаналар бор. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида маҳоратини оширган опаларимиз, акаларимиз мамлакат чемпионатида ҳам юқори ўринлар учун курашаляпти. Шу боис мураббийлар Озод Қазақов ва Мақсуд Иўлдосова билан Гулистондаги баҳсларга жиддий ҳозирлик кўрдик. Анъанани давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Хуллас, ким билан гаплашманг, кўнглида бир олам орзу. Юз-кўзида ҳажжон. Болаларга шуккулик эътибор қаратган давлатда бошқача бўлиш ҳам мумкин эмас.


Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Кўёш-физика» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўёш нурларидан аланга олдирилган мусобақа машъаласи эса бир неча туман ва қишлоқларда шод-хуррамлик билан кўтиб олинди, гузал Гулистон шаҳрига ҳам етиб келди. Спорт юлдузлари уни «Ёшлиқ» марказий стадионида ўрнатилган қурилмага етказганда қалблар гурурга тўлди. Илло, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Осиё, жаҳон ва олимпиада чемпионлари кашф этилажак...

Ўзбекистон байроқлари билан безатилган «Ёшлиқ» стадионида ўтган баҳсларнинг очилиш маросими ҳар бир иштирокчи, мураббий ҳамда иштиробнинг ёдида узок вақт сақланиб қолиши тайин. Халқ севган санъаткорлар томонидан ватанга муҳаббат, дўстлик, тинчлик, мустақиллик ҳамда саодат тараннум этилган куй-қўшиқ, рақслар, спорт турлари бўйича кўргазмали «қишқирлар барчага манзур бўлди.

Айни пайтда, Гулистон шаҳрида мамлакатимиз ёшлари спортнинг 12 тури бўйича қизгин мусобақалашмоқда. Фолиб ва совридорлар номи эртага маълум бўлади.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири, Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

### Болалар шаҳарчаси



**Гулистон шаҳрида кўлаб иншоотлар қурилди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтадиган иншоотлар эртанинг эгалари билан гавжум. Шунингдек, шаҳарда бунёд этилган яна бир гўша борки, уни алоҳида эътироф этиш ўрнилли.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги «Ота-онанинг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шаҳарчалари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан, барпо этилган ушбу мажмуанинг қурилиш-монтаж ишларига давлатимиз томонидан 3 млрд. 593 млн. сўм маблағ сарфланди.

Болалар шаҳарчасидаги уйлар гузал номлар билан аталган. «Кувонч», «Ниҳол», «Янги авлод», «Камалак», «Бинафша» каби ўн та уйнинг ҳар бирида бештадан ётоқхона, биттадан меҳмонхона, ошхона, машғулот хоналари мавжуд. Амфитеатр, «Оққуш» майдони, уйин майдони, «Меҳржон» боғи болалар учун тахт.

— Шаҳарчамизда спортнинг ҳар хил турлари, рассомлик, рақс, дурадгорлик, компьютер тўғараклари бор, — деди шаҳарча директори Покиза Аҳмадхонова. — Оча-тарбиячилар ўғил-қизларга оила муҳитини беришга ҳаракат қилишмоқда. Бо-



лараримизнинг кувончига, келажигига барчамиз бирдек масъулмиз.

— Ёшим бешда. Аскар бўлишга қизиқаман. Катта бўлсам, аввал аскар, кейин прокурор бўламан, — дейди тарбияланувчилардан бири Отабек Боймуродов.

Бу эзгу орзу-ниятлар албатта ижобат бўлажак.

Уз муҳбиримиз



Muassis:

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdulloliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat

ALIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Sog'indiq

NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-03-90

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharriri:

T. Shernayev

Navbatchi:

A. Abdullayev

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalovchi:

H.Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasiда chop etildi.

Korxonа manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 00.20

Byuortma Γ — 461

18410 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6